# ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШОВЧИ ИНСОНЛАР ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРДИР

## ЎЗБЕКНИНГ БОЛАСИ КИМДАН КАМ?

***Шавкат Ёқубовни иш жойидан топиб бўлмади. Касалхонада экан. Ўн йилнинг нари-бериси таниш эканлигимиз боис излаб анча азият чекканлигимни «юзига» солдим:***



- Ия, буёғи қандоқ бўлди, номзод одам елиб-югуриш ўрнига... Эртага депутатликка сайланиб қолсангиз, унда сизни умуман тополмас эканмиз-да?

Шавкат ака ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди:

- Билмасангиз, билиб олинг. Олис сафарга отланган киши от-уловини бир кўрикдан ўтказиб олиши керак. Икки-уч кундан кейин кўрасиз, нега «пистирма»да ётганлигимни...

Олий Мажлисга депутатликка номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинганда, тўғриси, кўзларимга ишонмадим:«64-Жиззах сайлов округи. Ёқубов Шавкат Боқиевич. Касаба уюшмалари Жиззах вилояти Кенгаши раисининг матбуот котиби. Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси.» Беихтиёр у босиб ўтган, бир қарашда бошқаларникидан ҳеч қанча фарқ қилмайдиган ҳаёт йўли кўз ўнгимда гавдаланди.

Тошкент шаҳрида оддий хизматчи оиласида таваллуд топган Шавкат ҳамма қатори мактабда ўқиди ва барча ўсмирларга хос туйғу-одоб илмига меҳр қўйди. Бу меҳр то ҳануз Шавкат Ёқубовни тарк этмаган. Гарчанд у Тошкент Давлат университетининг роман-герман факультетини тугаллаб, маълум вақт Чет тиллар институтида немис тилидан дарс ҳам берган эса-да, адабиёт энг яқин сирдоши бўлиб қолаверди. Адабиёт эса жуда кенг қамровли билим демакдир. Ёдингиздами ибн Сино бобомизнинг ҳикматлари: «Киши қанча кўп билса, шунча кам билиши аён бўлиб бораверади». Шавкат Ёқубов ҳам шунақа - беҳаловат ва бেқаноат инсонлардан. 1973-1977 йилларда Тошкент политехника институтида фалсафа мутахассислиги бўйича аспирантурада таҳсил кўрди. Сўнг Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқув-методика марказида услубчи, нозир, шўъба мудири бўлиб ишлади. Бу орада Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетида сиртдан ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугатди.

Айни вақтда ёзиш-чизишни ҳам унутиб қўйгани йўқ. «Тошкент оқшоми», «Туркистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Учитель Узбекистана», «Ҳуррият», 1995 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ишга ўтиши муносабати билан «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига мунтазам равишда ёзиб туради.

«- Халқ таълими вазирлигида ишлаб юрган кезларим қарийб барча туманларда хизмат сафарида бўлганман, - деб ёзган эди ўз мақолаларидан бирида Шавкат Ёқубов. - Мустақиллик эълон қилингунга қадар таълим соҳасида кўз ўнгимда содир бўлаётган ноҳақликларни кўриб бир эзилсам, ўқувчи-ёшларимизга улар истаганча билим берилмаётганидан, истеъдодли болалар ўз салоҳиятини намоён этиш имкониятидан маҳрум эканлигидан икки эзилардим. Доимо бир фикр миямни бурғуларди: Ўзбекнинг боласи кимдан кам?

Ниҳоят, ўлкамизда озодлик қуёши балқди. Мен муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бемисл жасорат ва матонатига тан бериб, миллатнинг яна ўз анъанасига содиқ қолгани, яъни тарихнинг энг оғир дамларида ўз хизматига жасур ва танти ўғлонини камарбаста қилиб қўйганидан чексиз ифтихор ҳис этаман. Зотан, буюкликдан буюклик туғилади. Оққан дарё оқаверади...»

Дарҳақиқат, тоталитар тузум пайтида ўзбекнинг боласи АҚШ, Англия, Франция, Япония, Германия каби тараққий этган мамлакатларга бориб ўқийди, деб ким ўйлабди дейсиз! «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг кишиларимизда эртанги кунга ишонч ва умид туйғуларини жўш урдириб, қалбларни мунаввар айлагани ҳам аслида шундан. Мозийда аҳли донишлар ўлкаси сифатида довруғ қозонган мамлакат ўзлигини янги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда яна намоён этса ёмонми? Шавкат Ёқубовнинг «Агар депутат бўлсам...» деб бошланувчи дастурида ана шу муҳим масалага жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Шавкат Ёқубов Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши котиби. У ўз азму қарорини қуйидагича ифодалайди:

- Ёшлигимдан адолатга ташнаман. Ноҳақликка дуч келганда, кўриб кўрмасликка олиб кетолмайман. Қолаверса, касаба уюшмаларида фаолият кўрсата бошлаганимдан бери ҳаётнинг паст-баландлари ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Кимдир иш тополмаса, кимдир ўз вақтида иш ҳақини ололмайди ва яна кимдир ёрдамга муҳтож... Истагим, фуқароларимиз мураккаб, аммо гўзал шу ҳаётга муносиб тарзда яшашга тезроқ кўникма ҳосил қилишсин. Бунинг учун қонунлар ишлашини тўла таъминлаш ва яна кўплаб янгиларини қабул қилиш лозим...

Бугун сайловчилар номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дунёқараши билан бирма-бир танишмоқдалар. Қатъий қарорга келдим, дея кимгадир майл билдиришга эса ҳали эрта. Дарвоқе, депутат қандай хислатларга эга бўлмоғи даркор? Бу ҳақда узоқ гапириш ва баҳс юритиш мумкин. Менга номзоддаги кўтаринки руҳ кўпроқ ёқади.

- Албатта, пойтахтда яшаш, ишлашнинг ўзига яраша жозибаси бор, лекин шунга қарамай Жиззахга ишга таклиф қилишганда, ҳеч иккиланмай розилик билдирдим,-дейди у.- Биринчидан, ҳаётга чуқурроқ кириб бораман, одамларнинг ўй-хаёллари ва орзу-умидлари билан яқиндан танишаман. Қолаверса, чўл одамни чиниқтиради.

**Зайниддин РИХСИЕВ.**

***1999 йил 5 декабр - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар куни***

***2000 йил 9 январ - Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни***

## УМИДЛИ ДУНЁ

***Тошкент вилоятининг Алимкент қўрғонидаги 170-Оққўрғон сайлов округидамиз. Бу ерда депутатликка номзодлар билан учрашув бўлиб ўтмоқда.***

Минбарга ташаббускор гуруҳ томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган тадбиркор Раҳимжон Умиров кўтарилди. Унинг нур ёғилиб турган юзида чарақлаган юлдузми ёки ўктам овозидаги соҳирликми, ҳар қалай бизнинг шууримиздан ташқарида юз берган нимадир дилимизга кўтаринкилик бахш этди. Номзод ўз дастури билан ўз сайловчиларини таништираркан, қўлимдаги қоғозлар ичида унинг таржимаи ҳолига оид жойларни излайман.

Раҳимжон Умиров 1960 йилда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида хизматчи оиласида туғилган, миллати ўзбек. «Ватан тараққиёти» партияси аъзоси. 1982 йили Тошкент политехника институти, 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясини тамомлаган. Мутахассислиги - муҳандис-технолог. Техника фанлари номзоди. 30 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, 1985 йил озиқ-овқат саноати техника ва технологияси соҳасида «Ихтирочи» унвонига сазовор бўлган. Ўзбекистон ФА Кимё институти докторанти.

Р.Умиров меҳнат фаолиятини 1982 йили Тошкент политехника институтида илмий тадқиқотчиликдан бошлаган. 1984 йилда Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати институти илмий ходими, 1986-1993 йиллар шу институтнинг етакчи илмий ходими ва бўлим мудири лавозимларида ишлаган. 1993 йилдан ҳозирги кунгача Оққўрғон туманидаги «Акмал» хусусий фирмасининг бош директори бўлиб хизмат қилмоқда.

Раҳимжон билан яқиндан танишиш, унинг иш фаолиятини ўрганиш иштиёқи туғилди. Дилга шу ниятни тугиб, учрашув тугаганидан кейин унга рўбарў бўлдик. Раҳимжон бизнинг таклифимизга илтифот кўрсатди. Унинг бошловида «Акмал» хусусий фирмасига кириб бордик.

1995 йилда 54 киши ишлаган корхонада бугунги кунда 105 нафар одам фаолият кўрсатади. Келгуси йилга бориб эса иш ўринлари 250 тага етказилади. Беш йил олдин 1850 сўмгина маош билан ишлаган ходимлар ҳозирги кунда 10 минг сўмдан ошириб маош олишмоқда. Чунки, 1996 йилда бор-йўғи 22,7 миллион сўмлик ёғмой маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 1999 йилнинг тўққиз ойи мобайнида салкам 87 миллион сўмлик маҳсулот олинган. Корхонада ишлаб чиқариладиган бошқа маҳсулотларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бу рақам салкам 102 миллионни ташкил этади.

Озиқ-овқат саноати соҳасида катта илмий ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассис раҳбарлик қилаётган «Акмал» хусусий фирмаси биргина 1999 йилнинг ўтган даври мобайнида бюджетга 60,5 миллион сўм даромад берган. Даромадга қараб буромад, дейди доно халқимиз. Йилдан йилга иш жойлари, ходимларнинг ойлик маоши ошиб, турмуш шароитлари яхшиланиб бормоқда. Фирма таркибидаги республикага бир неча чемпионларни етказиб берган «Таэквандо» шарқона якка кураш клуби, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, республика биринчилиги қатнашчиси, 2-лигада ўйнаётган «Акмал» футбол клуби аъзоларига яратиб берилаётган шароит ҳам ана шу даромад чўғининг баландлигидан далолат бериб турибди.

Бундан ташқари фирмага тегишли 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион ишлаб турибди. Туманни ободонлаштириш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини муҳофаза қилиш, 47 нафар қаровсиз болалар, республика олийгоҳларида ўқиётган 7 нафар студентга оталиқ қилиш фирманинг доимий ишига айланган.

Ўзбекистон Республикаси «Ташаббус - 98» танловининг ғолиби, Олтин медал совриндори, «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳомийси» Раҳимжон Умиров замонавий болалар боғчалари, мактаблар қуриш, уларни таъмирлаш ва жаҳон андозаларида жиҳозлаш, олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларга ҳомийлик қилиш орқали кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга ошишига кўмаклашишни асосий мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлишини таъминлаш, уларнинг ўқишлари, яхши касб эгаси бўлиш ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш ишига алоҳида эътибор беради.



Тўрт нафар фарзанднинг севимли дадажониси бўлган Р.Умиров нафақат илмий ва амалий фаолият билан шуғулланади, балки катта ижтимоий-сиёсий ишларнинг ҳам фаол иштирокчисидир. У Тошкент вилоят халқ депутатлари Кенгашининг депутати, «Ватан тараққиёти» партиясининг Тошкент вилояти қўмитасининг биринчи котиби ҳамдир.

Тўғрисини айтганда, «Акмал» хусусий фирмаси ва унинг зукко, билимдон, тадбиркор раҳбари Раҳимжон Умиров фаолияти билан қанчалик яқиндан танишсак, шунчалик ўрганса арзийдиган ибратли жиҳатлар кўплигига амин бўлдик.

Қоронғуликни тилиб пойтахт сари елиб бораётган машина ойнасига урилаётган чироқлар каби Оққўрғонда кўрганларим хаёлимдан бир-бир ўтаркан, демократия ва тенглик тамойилларига амал қилсак, ўтмишнинг аччиқ сабоқларини, кимга овоз бераётганимизни ва биз овоз берган одамларга эртамизнинг боғлиқлигини унутмасак, юртимизнинг келажаги чиндан ҳам буюк бўлади.

**Темир ҚУРБОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЁШЛАР ҚУВОНЧИ

Касби тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясида ҳамда пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 446-сайлов участкасида тарғибот ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Бу йил биринчи бўлиб овоз берадиган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.



**Суратларда: Ёшлар сайлов участкасида.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА), Зикрилла РАҲМАТУЛЛАЕВ олган суратлар.**

## ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАКОМИЛЛАШУВИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Сайлов ҳар бир мамлакатда демократия қай даражада амал қилинишини кўрсатувчи, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими жаҳонда эътироф этилган демократик сайлов тамойилларига амал қилган ҳолда, ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларини акс эттира оладиган даражадаги ижтимоий воқеликдир.

Демократик сайлов фуқароларга кенг ҳуқуқ ва имкониятлар берар экан, ҳар бир фуқаро шу ҳуқуқ ва эркинликдан тўғри фойдаланганда, ўз ҳуқуқини амалга оширишга масъулият билан қараганда, умумий манфаатни шахсий манфаатдан устун қўйиб, маҳаллийчилик, ошна-оғайничиликдан холис бўлгандагина кутилган ижобий натижа беради. Бу сайлов ҳуқуқига ҳам тўла тааллуқлидир.

70 йилдан ортиқ ҳукм сурган коммунистик мафкура даврида инсон ҳуқуқлари давлат томонидан амалга оширилади, деган ғояларга асосланиб яшадик. Мустақиллик туфайлигина фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари сиёсий кафолатланганлигини тушуниб етдик.

Сайлов орқали бирор бир давлат органини шакллантирамиз, унга ўз хоҳиш-иродамизни топширамиз, ўз ваколатларимизни улар орқали амалга оширамиз. Бунинг учун биз ҳар бир сайламоқчи бўлган депутатликка номзодни тўғри танлай билишимиз керак.

Сайлов тўғрисидаги қонунларимиз фуқароларга кенг ҳуқуқлар бериб, сайловнинг энг муҳим хусусияти - танлаш ҳуқуқини таъминлашни кўзда тутиб, сайловлар муқобиллик асосида ўтишига имконият яратган экан, эндиги вазифа шу имкониятдан тўғри фойдаланишда қолган. Бунинг учун кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, сайловнинг моҳияти ва мақсадини сайловчиларга тўла етказиш масалаларига ғоят жиддий ёндашиш зарур, деб ўйлайман.

Сайловда депутатликка номзодлар томонидан ҳалол кураш олиб борилиши, ғалаба учун фақат қонуний йўллардан фойдаланиш, рақибларни ҳурмат қилиш, мағлуб бўлганида ўз фаолиятига танқидий баҳо берилиши даркор.

Бўлажак сайловлар жаҳон андозаларига мос келадиган, аввалгига қараганда анча такомиллаштирилган сайлов қонунлари асосида ўтади.

Сайлов қонунларига киритилган ўзгартиришлар сайловнинг барча жараёнларида фуқароларнинг бевосита иштирокини, сайловларнинг янада ошкора ва адолатли ўтишини, овоз натижасини аниқлашда ҳар қандай кўзбўямачилик, ғирромлик бўлмаслигини таъминлашга қаратилди.

Аввалги сайловларда фуқаролар фақат номзодларни муҳокама қилишда ва овоз беришда бевосита қатнашган бўлса, қонунларга киритилган ўзгартиришлар натижасида вакиллик органларига сайловда фуқаролар бевосита номзод кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдики, бу бир томондан фуқароларнинг сайлов жараёнида бевосита иштирокини кенгайтирган бўлса, иккинчи томондан, бу қоида жаҳон тажрибасига монанд ва учинчидан, партиясиз фуқароларга ҳам сиёсий ҳаётда кенг иштирок этиш имкониятини беради.

Маълумки, институтимизда Олий Мажлис депутатлигига сайлов ўтказиш бўйича 25-Яккасарой округи комиссияси жойлашган. Таркиби 9 кишидан иборат комиссия Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган режа бўйича фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 659-сайлов участкаси институтнинг 1-ўқув биноси 14-хонасида фаолият кўрсатмоқда. Сайловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Сайловлар тўғрисидаги қонунлар мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари Маънавият ва маърифат маркази хонасига қўйилган.

Эндиги вазифа - талаба-ёшларимиз, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўртасида сайлов тўғрисида кенг тарғибот ишларини олиб бориш ва сайловолди йиғилишларида фаол иштирок этиб, халқимизнинг, юртимизнинг энг ишончли, энг ибратли, энг ташаббускор, фидоий вакилларини депутатликка сайлашдан иборатдир.

**Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,**
**25-Яккасарой сайлов округи комиссиясининг котиби.**

## АХБОРОТ ОЛИШДИ, ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

***Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар тобора яқинлашиб келаётган ҳозирги вақтда сайлов округлари ва участкаларида аҳвол қандай, уларда сайлов билан боғлиқ тадбирлар қандай олиб борилмоқда? Умуман, сайлов комиссиялари муҳим сиёсий тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга тайёрми? ЎзА мухбири Н. Душаев мақоласи шу хусусда.***

Пойтахт вилояти сайлов комиссиялари матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун мунтазам равишда уюштириб келинаётган давра суҳбатлари, анжуманларда сайлов жараёни билан боғлиқ ана шундай саволларга муфассал жавоб олиш мумкин. Зеро, «Вилоятматлуботсавдо» уюшмаси биносида жойлашган мазкур марказ самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратиб берилган. Иккита махсус хона, компьютер тизими, телефон, сайловга доир адабиётлар, газета тахламлари - ҳамма-ҳаммаси бор. Мулоқотлар учун ажратилган мажлислар зали эса алоҳида жиҳозланган.

Рости, бу галги матбуот анжуманига унчалик кўп одам таклиф этилмади. Марказ раҳбари, «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари У.Абдушоҳидов уни очар экан, вилоятдаги бугунги сайлов жараёнининг ўзига хос хусусиятларига қисқача тўхталди. Айни пайтда вилоят кенгашига белгиланган 54 депутат ўрни учун 195 номзод даъвогарлик қилаётгани, шаҳар ва қишлоқларда ташкил этилган 827 сайлов участкасида сайловларга пухта тайёргарлик кўрилаётгани таъкидланди. Шундан сўнг Янгийўл шаҳри, Қибрай, Зангиота ва бошқа туманлардаги округ ва участка сайлов комиссиялари вакиллари ўзлари амалга ошираётган ишлар ҳақида журналистларга сўзлаб беришди.

- Шаҳримизда сайловолди ташвиқот ишлари қизғин бормоқда,- деди жумладан, Янгийўл шаҳар сайлов комиссияси раиси С.Бўрибоев. - Сайловчиларимиз илгарига нисбатан анча фаол. Мен авваллари ҳам сайловларда иштирок этганман. Аммо одамларнинг сайлов жараёнларига ҳозиргидек қизиқиш билдирганини биринчи кўришим.

Фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этаётганини шаҳардаги 20-сайлов участкаси сайлов комиссияси котибаси Гулнора Валиева ҳам ўз сўзида алоҳида таъкидлади. Сайлов участкасига одамлар депутатликка номзодлар, уларнинг дастурлари билан танишиш истагида тез-тез ташриф буюраётир. Уларнинг қизиқувчанлиги баъзан комиссия аъзоларини шошириб ҳам қўймоқда. Бундан ташқари, ҳозирданоқ ўндан ортиқ фуқаро сайлов куни шаҳарда бўлолмаслиги ҳақида хабардор қилди. Уларга бундай ҳолларда овоз беришда қандай иштирок этиш мумкинлиги хусусида тавсиялар берилди.

Қибрай туманидаги вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 28-«Ўнқўрғон» сайлов округи сайлов комиссияси раиси, кекса педагог Эргаш Ҳайитбоевнинг суҳбати ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Биз сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган 21 мингдан ортиқ сайловчини рўйхатга олдик. Уларнинг 880 нафари сайловда илк бор қатнашади, деди у, жумладан. Ҳозир сайловчилар рўйхатлари танишиб чиқиш учун сайлов участкалари ахборот тахтачаларига бирин-кетин осиб қўйилмоқда. Сайлов қутилари, овоз бериш хоналари ҳам деярли тахт қилинган.

Зангиота ва Тошкент туманида ишлаётган сайлов комиссиялари вакиллари ахбороти ҳам сайлов жараёни фаол бораётгани, депутатликка номзодларни тарғиб қилишда адолат ва демократик талабларга қатъий риоя этилаётгани хусусида бўлди. Мулоқот чоғида Янгийўл шаҳридаги сайлов комиссиялари аъзолари қонунларни пухта ўзлаштиргани, ўзларининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси анча юқори эканлигини намойиш этди. Қибрай, Зангиота туманларидаги ҳамкасблари эса баъзи бир саволларга жавоб беришда қийналишди.

Вилоятда сайловчиларнинг рўйхатини тузиш жараёнида айрим муаммолар бор. Жумладан, Қибрай туманига қарашли «Салор» қўрғонида рўйхатда турувчи фуқароларнинг аксарияти бошқа жойларда истиқомат қилади. Бу эса уларни рўйхатга киритиш ва сайлов кунидан хабар беришда қийинчилик туғдирмоқда. Айрим сайлов участкалари ҳам етарли жиҳозланмаган. Сайлов қутилари ва сайлов хоналарини жиҳозлаш учун материал етишмаётгани ҳам очиқ айтилди.

Анжуманда депутатликка номзодларни тарғиб қилишда қонун талабларига қатъий риоя қилинаётгани, хусусан, айрим номзодлар томонидан сайловчиларни ўзига оғдириб олиш учун имтиёзли нархларда маҳсулот сотиш ёки хизмат кўрсатиш каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмаслиги ҳақида ҳам бод-бод уқтириб ўтилди. Бу яхши, албатта. Аммо сайлов куни одамларни овоз беришда фаол иштирок этишга чорлаш, уларга кўтаринки кайфият бағишлашга қаратилган қизиқарли тадбирлар наҳотки ташкил этилмаса?

Журналистларнинг бу саволига атрофлича жавоб қайтарилди. Шуни ҳам айтиш керакки, сайлов комиссиялари мазкур масалага ҳам жиддий эътибор бермоқда. Масалан, Янгийўл шаҳрида сайлов куни эрта тонгданоқ барча сайлов участкаларида миллий урф-одатларимизга мувофиқ карнай-сурнай садолари жаранглайди. Турли қизиқарли оммавий тадбирлар уюштириш чоралари ҳам кўриб қўйилган. Шу куни кўчма савдо дўконлари, ошхоналар ишлаб туради.

Бир ярим соатча давом этган анжуман ниҳоясида иштирокчилар анча қониқиш билан ўрнидан қўзғалди. Чунки навбатдаги мазкур давра суҳбати ҳам дўстона ва самимий, энг муҳими - кўпчиликка фойда берадиган тарзда ўтди. Унда нафақат журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди, балки Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари вакиллари ҳам ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини англаш, ижобий тажрибани ўрганиш имконига эга бўлди.

